

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил февраль ойининг 18 кунини, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида,

раислик қилувчи И.Шайманов, Р.Калкановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси М.Боқиев, таржимон Л.Хўжамбердиева, судланувчи ХХХ унинг ҳимоячиси “Сурхон Баркамол Имкон” адвокатлар ҳайъати адвокати А.Бердиев, жабрланувчининг қонуний вакили ОООнинг иштирокида суд кўриб чиқиб;

ХХХ, 1969 йил 16 сентябрда Термиз шаҳрида туғилган, миллати рус, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти тугалланмаган ўта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, ҳайдовчи, Термиз шаҳарда яшайди, ушбу иш юзасидан унга нисбатан муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тил ҳат эҳтиёт чораси қўлланилган айблов хулосасини ўз вақтида олган, сўзидан соғлиги яхши судга жавоб бера олади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган ХХХга нисбатан 1-1901-2201/60-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

ХХХ 2021 йил 24 декабрда соат тахминан 17:00 да ўзининг бошқарувида бўлган Термиз шаҳрида жойлашган “Термиз толе келажак” хусусий корхонаси хисобида бўлган сариқ рангли Матиз русумли автомашинасини яшаш уйи ёнининг ховлисида автомашинасини орқа томонга ҳаракатлантираётган вақтда амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 63-бандида назарда тутилган “Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига халақит бермаслиги шартлиги, зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак”лиги қоидалари талабларини қўпол равишда бузиб, хавфсизлик чораларини кўрмасдан, ўз-ўзига ишониш ва бепарволик билан ҳаракатланиб, ҳаракати давомида ўзининг қўшнисини Термиз шаҳар “Боғишамол” маҳалласи 5-кичик даҳада яшовчи 2019 йил 3 сентябрда туғилган вояга етмаган фуқаро ППП автомашинасининг орқа томони билан туртиб кетиб, тан жароҳати етказган.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили ООО ва судланувчи ХХХ ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.



Судда сўроқ қилинган судланувчи ХХХдан сўралганда ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини тўла англаб етганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ОООга етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакилилар билан ихтиёрий равишда тазйиқсиз ярашганлиги ҳақида кўрсатув бериб, ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўрашди.

Судда жабрланувчининг қонуний вакили ООО сўралганда, ярашув тўғрисидаги берган аризасини қувватлаб, ХХХга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар ўрни тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, уларга бирон бир тазйиқ бўлмаганлиги, ХХХ билан ярашганлигини, ярашув ихтиёрий бўлганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчининг қонуний вакили билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши қайд қилинган.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили ООО судланувчи ХХХнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, прокурор ёрдамчиси М.Боқиев ва ҳимоячи А.Бердиевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, ХХХнинг муқаддам судланмаганлиги, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва судланувчига бирон бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакилининг хоҳишлари билан ихтиёрий бўлганлигини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахслар, агар ўз айбига иқрорлик билдирса, жабрланувчининг қонуний вакили билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ХХХни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, унга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, жабрланувчининг қонуний вакили ОООга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 582-583, 585-586-моддаларини қўллаб, суд



а ж р и м қ и л а д и:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан ХХХга нисбатан юритилган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

ХХХга нисбатан дастлабки терговда қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили ОООга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Иш бўйича етказилган зарар ўрни қопланганлиги эътироф этилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судига хусусий шикоят, прокурор хусусий протест келтирилиши мумкин.

Раислик қилувчи

(имзо)

И.Шайманов

Аслига тўғри:

И.Шайманов

